
КОРЕЯНИНГ ЧУНГЧОНГНАМ-ДО ПРОВИНЦИЯСИ ГУБЕРНАТОРИ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯНИНГ ВИЛОЯТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Фарғона вилоятига икки кунлик амалий ташриф билан келган Корея Республикасининг Чунгчонгнам-до провинцияси губернатори Ким Таэ Хэум бошчилигидаги делегация вакиллари бугун Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университети – КИУФ фаолияти билан танишдилар.

Ким Таэ Хэум, Чунгчонгнам-до шаҳридаги Sun Moon университетининг ҳамкори бўлган олийгоҳ талабалари билан мулоқот қилди, улар учун яратилган шароитлар ва қулайликлар билан танишди.

Сафар якуни бўйича вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва губернатор Ким Таэ Хэум ўртасида яна бир учрашув ташкил этилди. Унда вилоятимизда Корея саноат паркини ташкил этиш ҳамда унга корейс инвесторларининг лойиҳаларини жойлаштириш, туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш, Фарғонага корейлик туристларни жалб этиш имкониятларини кенгайтириш, вилоятимиз ҳудудида туристик хизмат кўрсатиш марказлари, гольф майдонлари барпо этиш лойиҳаларига Корея сармояларини йўналтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Чунгчонгнам-до провинцияси губернатори Та Хэум Ким бошчилигидаги делегация Фарғона вилоятига амалий ташрифини якунлаб, Тошкентга жўнаб кетди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-07 14:24:23